

” Ҳар бир давлат хизматчиси ҳар куни ўзининг меҳнати билан эгаллаб турган лавозимига лойиқлигини исботлаши керак.

# ЭЗГУ ФАЗИЛАТЛИ УСТОЗ

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ АСОСИЙ УСТУНИ

# БИЛИМ, ТАЪЛИМ, ТАРБИЯДИР

Инсон ўз касби-кори, ҳалол меҳнати, энг муҳими, ахлоқ-у одоби билан элда мукаррам бўлади, эъзоз топади. Айтишларича, қалам билан қоғоз дунёда энг аввал яратилган неъматлар экан. Шу боис ота-боболаримиз оппоқ қоғоз ва қаламга ўзгача эътибор билан қараганлар. Оқ қоғозни ўзига ўхшаган покиза сўзлар билан безаб, инсон қалбига сайқал беришни лозим топганлар. Ҳаёт китобидаги ҳар бир саҳфа яхшилардан ибрат олиш ва касб-корни, покиза меҳнатни кадрлаш билан тўлмоғи керак экан. Шу боис вақтни қадрига етиш, зарурни нозарурдан, кераклини кераксиздан, яхшини ёмондан фарқламқда ҳикмат кўп, дейдилар.

Сурхон воҳасида дунёга келган Гуландом Тоғаева ёшлик йилларидаёқ адабиётга, сўз санъатига катта меҳр қўйган. Ана шу меҳр ва илмга ошнолик ёш шоирани азим Тошкент сари бошлаб келган эди. Гуландомнинг шеърлари ёшлигидан бошлаб вилоят ва республика матбуотида эълон қилиниб, ўқувчилар эътиборини қозонган. Шундан сўнг, шоиранинг “Чакмоқ хўрсиниклари” (1994), “Мухаббат асри” (2004), “Мен излаган кема” (2017), “Ўн етти ёшлилар мамлакати” (2018), “Сувайдога йўл” (2019), “Ишқ ҳандасаси” (2024) каби шеърый тўпламлари нашр қилинган.

Гуландом Тоғаева шоира бўлиши билан бирга олима, педагог ҳамда мухбирдир. У Миллий телерадиокмпаниядаги 27 йиллик иш фаолияти даврида “Ассалом, Ўзбекистон!,” “Тараққиёт йўли”, “Табаррук замин”, “Эркин иқтисодиёт”, “Тараққиёт ва фаровонлик сари”, “Соғлом келажак”, “Аждодлар хазинаси,” “Шукрона”, “Илм қудрати”, “Саодатли умр” каби мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳа ҳамда жамиятда амалга оширилаётган ислохотларга бағишланган туркум кўрсатувлари томошабинлар эътиборини қозонди. Шунингдек, у республикада яшаётган турли касбларда фаолият олиб бораётган зиёлилар ҳаётидан ҳикоя қилувчи 400 дан ортиқ кўрсатувлар тайёрлади.

Тоғаева Гуландом Жуммаевнанинг Чирчиқ давлат педагогика университети Гуманитар фанлар факультети Ўзбек адабиётшунослиги кафедрасида олиб бораётган педагогик фаолияти ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. У ҳар бир маъруза ва амалий машғулотларни юқори илмий ва педагогик маҳорат билан ташкил этади.

Талабаларга нисбатан хушмуомалада бўлиш билан бир қаторда уларнинг мавзуларни ўзлаштиришларига талабчанлик билан ёндашади. Ўзининг махсус касбий маҳоратини такомиллаштириш ва ўз устида ишлашдан чарчамайди. Гуманитар фанлар факультетидаги 10+1 лойиҳаси доирасида қўллаб талабалар билан илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Магистр талабалардан Гулчехра Айтмуратова, Юлдуз Жаҳонгирова ва Шоҳсанам Гулматовалар Тоғаева Гуландом илмий раҳбарлигида магистрлик диссертациялари тайёрлашмоқда.

Талаба-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида ташкил этилган “Маърифат улашиб” Республика бўйлаб ўтказилдиган тадбирларда ўз ҳиссасини қўшганлиги учун Самарқанд вилоятидаги бир нечта ОТМлар ва ЧДПУ раҳбарияти томонидан ташаккурномалар билан тақдирланган.



назарий, илмий-амалий конференция, семинарларда фаол иштирок этган ва мақола ва тезислари конференция материаллар тўпламларида чоп этилди. У қобилиятли, изланувчан, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-ҳуқуқий соҳалардаги ислохотлар мазмун-моҳиятини яхши англайди. Айни пайтда ижтимоий тармоқларда ҳам фаол бўлиб, фасебоок ижтимоий тармоғида “Моҳият.уз” гуруҳининг асосчиси ва етакчи муаллифидир. Салоҳиятли ижодкорнинг бу ерда қарийб 30 минга яқин обуначиси бор.

Гуландом Тоғаева қайдларида шундай ёзади: “Чирчиқ давлат педагогика университетини мен барча оғзуларим ижобат бўладиган маскан деб биламан. Бу ерда файз ва ҳарорат, устозларнинг меҳри ва талабаларнинг жўшқин оғзулари яшайди. Эндиги мақсадим шу ерда ўз илмий мактабимни ташкил этиш ва устозлар изидан бориш”.

Педагогик фаолиятини давомиди Гуландом Тоғаева билан бўлган суҳбатларимиздан шунинглаб етдимки, Гуландом Тоғаева буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг “Ўз вужудингга тафаккур айлагил, Ҳар не истарсан, ўзиндан истагил” сатрларини ҳаётининг шиорига айлантирган ва Янги Ўзбекистон ёшларининг ҳам ўз имкониятларига ишонч руҳида яшашларини ис-тайди.

Гуландом Жуммаевна 1999 йил Ўзбекистон Президентининг “Шухрат” медали ва 2025 йил халқаро “Олтин мерос” хайрия жамоа фонднинг “Олтин мерос” медали билан мукофотланган. Яқинда Гуландом Тоғаеванинг шоира, олима сифатидаги тинимсиз ҳаракатлари Юртбошимиз томонидан яна бир бор муносиб муносиб мукофатланди. У Президентимизнинг II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан тақдирланди.

“Қўли билан ишлаган киши ишчидир. Қўли ва ақли билан ишлаган киши устадир. Қўли, ақли ва туйғуларини ишга сола билган киши эса санъаткордир”, деган эди бир доншманд. Бизнингча, ҳар бир киши ўз соҳасида маълум маънода санъаткор бўлмоғи керак, ўзи эгаллаган касбининг фидойисини, жонқуяри бўлмоғи керак.

Умр бўйи ўзинг содиқ бўлган тамойиллар, эзгу фазилатлар ҳаёт китобини безар экан, энг муҳими, муайян мақсад сари қўрқмай бориш, ўзини эл қорига бағишлашга тайёрлик, самимият, меҳнатсеварлик ва вақтни қадрлашга интилиш лозим. Яратиш иши билан ёниш, ўзгалар дарди ва қувончига шерик бўлиш, одамларга керакли бўлишдан ҳам ортиқ бахт борми дунёда?!

Гуландом Жуммаевнанинг илмий ва ижодий изланишлари бардавом бўлсин!

Мулоҳазаларимиз сўнгига Гуландом Тоғаева ижодидан қуйидаги тўртликни мисол қилиб келтираимиз:

Самолар қалбига йўл топди одам,  
Улмас даҳоларни берди элига.  
Лекин-чи? Баъзида йўлдан тотолмас  
Одамлар бир-бирин ўтми дилига.

Соҳиба АРЗИКУЛОВА,  
ЧДПУ Ўзбек  
адабиётшунослиги  
кафедраси ўқитувчиси

“Янги Ўзбекистон таянчи Сиз азиз устозлар” шиори остида устоз ва мураббийлар билан Давлатимиз раҳбари очиқ мулоқот ўтказдилар. Ушбу мулоқотда сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг таълим тизимидаги аҳамиятига тўхталиб ўтилди.

Хусусан мамлакатимизда 2017 йилдан буён таълим тизимида амалга оширилган ишлар қуйдаги рақамлада ҳам ўз аксини топмоқда. Мактабгача таълим тизимида 2017 йилда мактабгача таълим ташкилотлари сони 5211 тани ташкил этган бўлса, 2025 йилга келиб уларнинг сони 38145 тани ташкил этмоқда. Ўқитиб олиш мактабгача таълим қамрови 8 йилда 27% дан, 78% кўтарилгани барчамизни бирдай мамнун қилади.

Мактаб таълими тизимида 2017-2025 йиллар оралиғида жуда катта ишлар амалга оширилди. Мактаблар сони 9680 тадан, 10193 тага ошганлиги, ўқувчилар сони ошганлиги, бунда Нодавлат ва нотижорат таълим муассасалари сони 30 тадан, 705 тага ошганлиги қилинган фанларни ўзлаштириши ва касбий қизиқиши бўйича саралаб, 9-синфни битиргани ўлароқ Халқаро фан олимпиадаларида ўқувчиларимиз 2017 йилда 15 та медални қўлга киртган бўлса, 2025 йилга келиб медаллар сони 195 тани ташкил қилмоқда. Халқаро сертификатга эга устозлар сони 2017 йилда 1457 тани, 2025 йилда эса 33797 тани ташкил қилмоқда. Мамлакатимизда янги тизим сифатида жорий этилган Президент ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар тизими сони Президент мактаблари 14 та, Ижод мактаблари

9 та, Спорт мактаблари 2 та, Ихтисослаштирилган мактаблар 144 тани ташкил этмоқда. Натижада 200 нафарга яқин мактаб битирувчилари дунёнинг ТОП-100 олийгоҳларига грант асосида ўқишга қубул қилинган. Шунинг билан бирга мамлакатимизда сўнгги 8 йилда Олий таълим муассасалари сони 77 тадан, 202 га кўпайганлиги ҳам ёшларимизга яратиб берилган имкониятлар қалитидир.

Шунингдек, Давлатимиз раҳбари томонидан янги ўқув йилидан бошлаб таълим тизимига бир қатор янгилликлар жорий этилганлиги таъкидланди. Хусусан: бу йилдан мактабларда мактаб маслаҳатчиси лавозими жорий қилинмоқда. Улар 7-синфдан бошлаб ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириши ва касбий қизиқиши бўйича саралаб, 9-синфни битиргани ўлароқ Халқаро фан олимпиадаларида ўқувчиларимиз 2017 йилда 15 та медални қўлга киртган бўлса, 2025 йилга келиб медаллар сони 195 тани ташкил қилмоқда. Халқаро сертификатга эга устозлар сони 2017 йилда 1457 тани, 2025 йилда эса 33797 тани ташкил қилмоқда. Мамлакатимизда янги тизим сифатида жорий этилган Президент ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар тизими сони Президент мактаблари 14 та, Ижод мактаблари



Давлат ва хусусий боғча тарбиячиларини ишдан ажралмаган ҳолда олийгоҳларда ўқитиш йўлга қўйилиб, йилга 10 минг тарбиячи олий маълумотли қилинади.

Худди Президент мактаблари каби ҳар бир вилоятда “Янги авлод” боғчалари ташкил қилиниб, уларда тарбиячилар илгор педагогик технологияларни ўрганади.

Янги ўқув йилидан бошлаб мактаб даврида ўқувчиларнинг қобилиятига қараб, касб ёки олий таълимга йўналтириш учун 9-ва 11-синф ўқувчилари учун ягона давлат имтиҳонлари жорий қилинади. Шу орқали 400 мингга яқин 9-синф битирувчилари техникумларга қамраб олинади.

Ўқиниш мактабда давом эттириб, олийгоҳга кириш истагида бўлган ёшларга фанлар танлов асосида чуқурлаштириб ўтилади.

Хорижий тил ва фанлар бўйича халқаро сертификатлар мактабдаги якуний имтиҳонларда ҳам тан олинади.

Шунингдек, Президентимиз педагогларни янада қўллаб-қувватлашга қаратилган янги ташаббусларни илгари сурдилади.

янги йилдан бошлаб камиди 15 йил стажга эга бўлган олий тоифали педагогларга ипотека кредити бошланғич бадалининг 25 фоизи қоплаб берилди;

келгуси ўқув йилида давлат олийгоҳларига ўқишга кирган педагоглар фарзандларининг контракт суммасига 30 фоиз чегирма берилди;

ўқитувчилар янги таълим технологияларини кенг қўллаши учун компьютер харидига 10 миллион сўмгача имтиёзли кредит ажратилади;

келаси йилдан педагоглар учун давлат хизматлари тўлови 2 қарра қамайтирилади;

фан ўқитувчилари каби бошланғич таълим ўқитувчилари учун ҳам миллий сертификат бериш тизими жорий қилинади. Сертификат олганларга ҳар ойда 15 фоиз устама тўланади;

бакалавр босқичини имтиёзли диплом билан битириб, мактабга ишга кирганларга автоматик равишда 2-малака тоифаси, магистрларга эса 1-малака тоифаси берилади;

дунёдаги ТОП-300 талик олийгоҳларга ўқишга кирган педагогларга 20 минг долларгача имтиёзли таълим кредити ажратилади;

рейтингда 100 таликка кирган мактаб ва боғча, 20 таликдаги техникум, ТОП-10 та олийгоҳ педагогларига йилга бир марта Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиш учун самолёт ва поездлар чипта нархларига 15-20 фоиз чегирма берилади.

Оқоридаги имтиёзлар билан бирга Давлатимиз раҳбари устоз ва мураббийлардан мамлакатимиз келажиги бўлган ёшларни ҳар томонлама баркамол шахслар этиб тарбиялашлари лозимлигини, бунинг учун давлат ҳам Президент ҳам устозларни доимо қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини билдирдилар. Мулоқот якунида устоз ва мураббийлар ҳамда ўқувчиларнинг ота-оналари Президентимизга ўз миннатдорликларини билдирдилар.

Максуд  
ТОШБОБОВ,  
Денов тадбиркорлик ва педагогика институти  
Тадбиркорлик ва бошқарув факультети  
декани.

## ASTRONOMIYA TA'LIMIDA YANGI BOSQICH: INDIVIDUAL YONDASHUV – YOSHLAR KOINOTGA YAQINLASHMOQDA

Bugun maktab va oliy ta'limda astronomiya o'qitilishi oddiy darslardan ancha farq qilmoqda. Endi hammaga bir xil formatda emas, balki har bir o'quvchining qiziqishi va salohiyatiga moslashtirilgan individual yondashuv ustuvor bo'lmoqda. Bu — nafaqat bilim berish, balki har bir bolaga koinot sirlarini o'z ko'zi bilan ko'rishga imkon yaratish demakdir.

Ikki-sakkizinchi sinf o'quvchisi uchun teleskopni sozlash va Oyning fazalarini kuzatish hayajon bo'lsa, boshqa biri spektroskopiya yoki yulduzlarning evolyutsiyasiga qiziqishi mumkin. Individual yondashuv shunday imkoniyatni beradi: darslar differentsiyalashadi, laboratoriya ishlari va amaliy topshiriqlar talabani didi va maqsadiga mos keladi. Bu esa o'qituvchidan ham yangicha rejalashtirishni, talabni individual baholashni va zamonaviy texnologiyalardan ustuvor foydalanishni talab qiladi.

Zamonaviy raqamli vositalar — Stellarium, virtual teleskoplar, interaktiv simulyatsiyalar va onlayn

observatoriyalar — bularning barchasi maktabda va universitetda astronomiyani amaliy, jonli va qiziqarli qilib beradi. Endi bola sinfda faqat nazariyani yodlamaydi; u ekranda sayyoralar harakatini kuzatadi, spektrlarni tahlil qiladi, o'zining kichik ilmiy loyihasini olib boradi. Bunday yondashuv motivatsiyani oshiradi va mustaqil fikrlashni rivojlantiradi.

Shuningdek, individual yo'nalish orqali yoshlarni ilmiy faoliyatga jalb qilish imkoniyati kengaydi — o'quvchi xalqaro onlayn kuzatuvlarda ishtirok etishi, kosmik tadqiqotlarga oid tanlovlarda qatnashishi yoki hatto mustaqil tadqiqot yozishi mumkin, bu esa kelajakda ilm-fan va kadrlar

tayyorlash sifatini tubdan o'zgartiradi.

Albatta, bu yo'lda ba'zi muammolar ham bor: barcha maktablarda zamonaviy uskunalar yetishmovchiligi, o'qituvchilarning malakasini oshirish zaruriyati va resurslarni adolatli taqsimlash masalalari hal qilinishi lozim. Lekin davlat va ta'lim muassasalari bu borada qadam tashlamogda — raqamli platformalar, o'quv dasturlarini yangilash va o'qituvchilar uchun treninglar yordam beradi.

Xulosa qilib aytganda, astronomiya ta'limidagi individual yondashuv yoshlarni koinotga yaqinlashtiradi, ularning ilmiy tafakkurini va ijodkorligini uyg'otadi. Bu — faqat fan emas, balki kelajak kadrlarimiz, yangi ixtirolar va ulkan orzular uchun boshlang'ich. Keling, bolalarimizga osmonni ko'rsatishni davom ettiraylik — har birining yulduzi o'z yo'lini topishi uchun.

SheroZ NURMAMATOV,  
Chirchiq davlat pedagogika universiteti Fizika kafedras  
o'qituvchisi

” Инсон қадрини улуғлаш — юртимизда яшаётган ҳар бир одамнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш демакдир. Бу борада жамиятимиз асоси бўлган маҳалла ҳал қилувчи ўрин тутади.

ЧИНОБОДАДА

ГАЗ НЕГА ТАҚЧИЛ...

Аҳоли мутасаддилардан жавоб кутмоқда!

**БИР НЕЧА ЙИЛДАН БУЁН ЎЗБЕКИСТОН — УЛКАН ИМКОНиятлар мамлакати, ДЕГАН ШИОРНИ ЮРТИМИЗНИНГ ҚАЙСИ ҒЎШАСИДА БЎЛСАНГИЗ, АЛБАТТА, ГУВОҲИ БЎЛАСИЗ. БУ, БИЗ КАБИ ОДДИЙ ЎЗБЕК ФУҚАРОЛАРИНИ РУҲЛАНТИРАДИ. БУНДАН ТАШҚАРИ ЮРТБОШИМИЗНИНГ ҚАЙСИ ВИЛОЯТ ВА ХОРИЖИЙ ЭЛЛАРДА ТАШРИФЛАРДА БЎЛГАНЛИКЛАРИ, ЭЛ-ЮРТ УЧУН ҚАЙҒУРИБ, ШУ БАҒРИКЕНГ ЮРТНИ ЧИНАКАМ ҚУДРАТЛИ БЎЛИШИНИ ЎЙЛАБ СИЁСАТ ОЛИБ БОРАЁТГАНЛИКЛАРИНИ ГУВОҲИ БЎЛИБ ТУРИБМИЗ.**

Куни кеча Юртбошимизнинг АҚШга қилган сафарлари давомида ҳали Ўзбекистон тарихида учрамаган турли кўринишдаги шартномалар имзолаганлари, бу, албатта, халқимизнинг бугунги кунда ва келажакда фаровон яшаши, юртимизнинг гуллаб-яшнашига хизмат қилади.

Юртбошимиз халқимизни, шу заминда яшаётган қорақўз фуқароларимизни эртага эмас, бугунга, бугунги кун ислохотларга ишочларини оширмоқдалар-ки, улар дав-

латимизнинг нечоғлик инсонларга қайишишаётганлигидан дарак. Бугунги кунда давлатимизда бўлаётган турли соҳалардаги ислохотлардан юрт тараққиётида барча аҳоли баҳраманд бўлиб, кайфияти аъло бўлиши назарда тутилган... Аммо Андижон вилояти, Балиқчи тумани, Чинобод шаҳарчасидаги “Омонарик” МФЙ, “Гулбоғча” кўчасидаги 23 (аслида 28 та) хонадон аҳолиси нега бугунги ислохотлардан норози кайфиятда қолмоқда. Чунки, уларни



Ўзбекистон давлатидаги барча идораларига газ муаммосини бартараф этиш, оддий инсоний турмуш-шароит кечиришларини таъминлаб беришга қодир масъул идора қолмади, ҳисоб. Улар (28 хонадон) 2019 йил табиий газ танқислиги сабабли, хонадонларига суюлтирилтилган газга (газ баллонга) ихтиёрий-мажбурий ўтган эди. Таъмирлаш баҳонасида қилинган бу ишлар, уларни ибтидоий шароитга бошлаганлиги то ҳозирги кунга ҳам мутасаддилар томонидан пайсалга солиб келинмоқда.

Шу кўчадаги “ўғай” аҳоли мақомига тушган 28 та хонадон вакиллари туман, вилоят, республика миқёсида ҳатто Президент Порталига ҳам қилган мурожаатлари 2019 йилдан буён ўз ечимини кутиб ётибди. Мурожаат бўйича келган соҳа мутасадди ва дахлдор идоралар ходимлари ни-



мадандир манфаатдор шекилли, уларнинг мурожаати ва шикоятлари ҳалгача яқунига етгани йўқ.

Президент Поталига, Андижон вилоят ҳокими, (шаҳсан), туман ҳокими (бир неча бор), “Худудгаз Андижон” ГТФ директори, туман газ “танқислиги” идорасига қилинган мурожаат ва шикоятлари берфақларча, шкафларда чанг босиб қолиб кетмоқда. Улар наҳотки

бугунги ислохотлардан беҳабар, аҳолига ҳали ҳам эскича муносабатдалиги газсиз қолган аҳолини асабини қақшатмоқда.

Қилинган барча шикоятлар ва мурожаатлар эътиборсиз қолаётганлиги сабабини би-лиш учун “Ўзтрансгаз” АЖ



рахбариятига, шахсан Бахтиёр Умаров қабулхонасига, “Ишонч телефон” ига, яъни 71 202-10-60 ва 202-10-12 рақамларига қилган қўнғироқлар бесамар кетди. Бу кўзбуймачилик ким учун, телефон рақамларига бирор бир масъул жавоб бермас экан, нега бу рақамларни кенг омма учун очик қилиб қўйишар экан. Ҳатто, рахбарият телефон рақамлари фақат гудок қақиради, уни кўтариб фуқароларни шикоят, талаб ва таклифини эшитадиган масъул шахс йўқ...

Аҳоли мурожаатидан чалғимасдан бир масалани рўй-рост келтирайлик. Андижон вилояти, Балиқчи туман ҳокимлигига қилинган ариза юзасидан бир мисол. Туман ҳокимлигида сал хат-саводи бор мутахассис борми, ўзи.

Масъул, туман ҳокимининг ўринбосари М.Маматов имзо-си билан кетган хатда ҳатто, шикоят ариза ёзган маҳалла-

нинг номи ҳам “Гулбоғча” кўчаси эмас, “Захро юлдузи”, номи билан кетганлигини, шикоят аризада 2019 йил ўрнига 2016 йил деб кўрсатилганлигининг ўзиёқ, масъулларнинг аҳолига нечоғлик қайишишаётганлигини кўрсатиб турибди. Шу даражада масъулият-



кетаётганлар ҳал ҳамон бор экан.

...Шикоят аризадан, тахрирсиз иқтибос келтираимиз. “...2019 йил газ қувурларимизни эскириб, тешилиб, носоз бўлганлиги учун шикоятлар натижасида 2024 йил 26 октябрда маҳалламизда депутат сайлови кунда газимизни улатиб беришлари ҳақида маҳалла раиси ва ҳоким ёрдамчиси фаолларни йигиб, мажлис ўтказиб газни улатиб беришни ваъда қилган эди. Биз қийналсақда, маблағ йигиб, трубалярни янгилатиб, газни улашга тайёр қилдик. Бундан амалий натижа бўлмади. Маҳалламиз марказий маҳалла бўлганлиги сабабли бир де-вор кўшни ва ён атрофимиздаги хонадонларга табиий газ ёниб, фойдаланиб келишмоқда. Аммо бизлар ҳанузгача давлатдан, ҳокимиятдан амалий натижа кутиб, сарсон бўлиб юрибмиз. Муҳтарам Президентимизнинг ҳаётбахш қарорлари бизларга ҳам на-сиб қилар, деган умидда юрибмиз.

Шикоят аризага имзо че-кувчилар, Гавҳархон Тоштемирова, Ирода Маматқулова, Шоҳсанам Ҳайитбоева, Толиб-жон Акбаров, Сарварбек Турсунов, Сойибжон Абдураззо-ни қайраб турибди.

Мурожаатда келтирилиши-ча, “Гулбоғча” кўчасида 2019 йилдан буён газ келишини ку-таётган аҳолини яна бир бор қўйини пуч ёнғоққа тўлдириб

сизлик даражасига етиб кел-дикми?!

Бу маҳаллада ўзи шу хона-донларгача табиий газ қувур-лари етиб келган, таъмир ба-ҳонасида кесиб кетилган газ қувурларини аҳоли ҳаминқа-дар маблағ тўплаб кўча охи-ригача етказишган, аммо не-гадир аҳолини табиий газга улалиши пайсалга солинмоқ-да. Аҳоли қачонгача қуруқ ваъ-да ва ёлғон сўзларга ишониб қолади. Туманда, вилоят ва соҳага дахлдор ташкилотлар-да аҳоли дардини тинглайдиган бирор бир оёғи ердан узилмаган раҳбар борми ўзи... Бу ҳудудда оддий турмуш тар-зига эга, қўли калта, эхтиёж-манд аҳоли ҳам борлиги на-ҳотки уларни безовиталанмир-маса. Олдинда киш қайроғи-ни қайраб турибди.

Мурожаатда келтирилиши-ча, “Гулбоғча” кўчасида 2019 йилдан буён газ келишини ку-таётган аҳолини яна бир бор қўйини пуч ёнғоққа тўлдириб

ҳаллада ташкил этилган 50 ўринли уй боғчаси ҳам газдан ўзилган. Уй боғчаси мудираси Г.Тоштемирова маҳаллада та-биий газ йўқлиги сабабли бо-лажонларга Чинобод шаҳарча-си марказидан вақтинчалик бино ижарага олиб, фаолият кўрсатиб келмоқда. Бунга туман ҳокими, вилоят ҳокимлиги му-тасаддилари нима дейишар-кин... Ёшларимизни келажаги наҳотки, юқорида келтирилгани-дек, маҳалла номини ҳам ёддан чиқариб, шикоятларга “шаблон-копток” тарзида жавоб ёзаёт-ганларда қолган бўлса...

Сиз журналист ва фидойи ходимлардан умидимиз катта, зеро, юртимизда бўлаётган катта истиқболли режа ва ис-лохотлардан бизнинг ҳам газ тақчил маҳалламиз четда қол-масин, киш яқин дардимизни яна кимга айтийлик, деб ши-коят қилишмоқда, чинободлик газсиз яшаётган аҳоли...

**PS:** Яқинда мамлакатимиз саноати тарихида биринчи марта Устюртда 6,5 минг метр ер қазрини бурғулаш орқали жуда катта газ захираси то-пилганлигини маълум қилган Давлатимиз раҳбари беҳиз баёнот бермадилар. То шу за-хирани “Худудгаз Андижон” ГТФ дагилар кутиб туришмас. Аҳолини дардини ҳам бир тин-глаб, уларни кишли қировли кўнларда ёлғизлатиб қўйиш-мас...

**Ҳикматуллоҳ ҚОДИРОВ, Махсус мухбиримиз.**

# ИЛМ, ТАЖРИБА, МУВАФФАҚИЯТ

**Молия соҳаси глобал иқтисодиётнинг юраги бўлиб, унда муваффақиятга эришиш нафақат чуқур билим ва кўникмалар, балки доимий изланиш, интизом ва етакчилик сифатларини талаб этади. Шу йўлда муваффақиятли фаолият юритаётган ёш мутахассислар орасида Азизбек Тўхтабаев ўзининг профессионал юксалиши ва халқаро миқёсдаги фаолияти билан алоҳида ажралиб туради.**

Азизбек 1994 йил 20 августда Наманган шаҳрида зиёлилар оила-сида туғилди. Ёшлигидан аниқ фан-ларга бўлган қизиқиш ва ҳисоб-ки-тобларга меҳр унинг таълим йўли-ни белгилаб берди. 2000 йилда На-манган шаҳридаги 5-мактабда ўқишни бошлаган Азизбек матема-тика соҳасидаги ноёб қобилиятла-ри билан тезда кўзга ташланди. Мактаб йилларида у кўплаб мате-

матика олимпиадаларида шахар ва вилоят босқичларида голиб чиқди, бу унинг академик салоҳиятини яққол намоиш этди.

2009 йилда Наманган давлат уни-верситети қошидаги 1-ихтисослаш-ган академик лицейга ўқишга қабул қилинади. Бу муассасада у нафа-қат математика ва аниқ фанларни чуқур ўрганди, балки инглиз тили-ни ҳам мукаммал ўзлаштирди. ИЕЛЦ



халқаро имтиҳонидан 7.5 балл ол-гани унинг тил соҳасидаги юқори малакасини кўрсатади. Лицей дав-рида у олий математика бўйича бир қатор республика ва халқаро мусо-бақаларда иштирок этиб, бир неча марта голибликка эришади.

Албатта, ҳар бир жамиятнинг кучи ва ривож — унинг ёшлари. Улар келажак бунёдкорлари, янги дунё-қараш эгаси, ўз даврининг ўзгарти-

рувчилари. Бугунги ёшларимиз би-лимга чанқоқ, ўз мақсадларига содиқ ва янгиликка интилувчидир. Уларнинг ҳар бир қадамида юртимизнинг рав-нақи ва тараққиёти мумкин.

Ана шундай қадамлар билан биз-нинг иқтидорли ёшимиз 2013 йил-да Тошкентдаги Халқаро Вестмин-стер университетига молия йўна-лишида ўқишга қиради. Бу давр унинг профессионал фаолиятининг бошланиши бўлди. Талабалик йил-ларида у АҚШда ёзги амалиёт ўтади ва бу вақт давомида нафа-қат инглиз тилини мукамаллаш-тиради, балки глобал молия бозор-лари, молиявий инструментлар ва амалий молия соҳасидаги билим-ларини кенгайтиради. Бу амалий тажриба унга халқаро молия тизи-мининг мураккабликларини чуқур тушуниш имконини берди.

2020 йилда эса қаҳрамонимиз Лондондаги БПП университетида магистратура босқичини бошлади. Шу билан бирга, у Англиядаги

СССРК УК ЛТД компаниясида мо-лия мутахассиси сифатида фаоли-ят юрита бошлади. Қисқа вақт ичи-да у олий молия мутахассиси ла-возимига кўтарилди ва компания-нинг Франция, Италия, Кувайт, БАА ва Саудия Арабистони филиалла-рида муваффақият билан ишлади. Бу эса унинг халқаро бизнес муҳи-тида самарали фаолият юритиш кўникмаларини шакллантирди.

2023 йилда АҚШнинг нуфузли Голден Гейт университетида қабул қилинди ва ҳозирда СФА (Чартеред Финансиал Аналит) дастурида тах-сил олмоқда. СФА сертификати ду-неда молия соҳаси мутахассислари учун энг юқори профессионал стан-дарт ҳисобланади ва бу дастур унинг молиявий таҳлил, инвестиция бош-қаруви ва рискларни баҳолаш бўйи-ча билимларини янада чуқурлашти-ришга хизмат қилади.

Ўзбекистон ёшлари мамлакатимиз тараққиётининг асоси, энг муҳим ре-сурсидир. Уларнинг салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш ва халқаро миқёсда рақобатбардош кадрлар сафини шакллантириш бугунги кун-даги энг долзарб вазифалардан би-ридир. Давлат, таълим муассасала-

ри ва жамият ҳамкорлигида ёшлар-ни замонавий билим ва кўникмалар билан таъминлаш, амалиёт ва ил-мий-тадқиқот фаолиятларини кен-гайтириш орқали ёшларимизга қулай имкониятлар яратиш зарур.

Шу билан бирга, ҳар бир ёш ўзи-нинг билим олиши, ўзини ривож-лантиришга бўлган интилиши, му-стаҳкам иродаси билан ўз келажак-гини ва мамлакатнинг равнақини таъминлашда муҳим омили ҳисоб-ланади. Азизбек каби етук мута-хассисларнинг кўпайиши Ўзбекис-тоннинг молия, иқтисодиёт ва бо-шқа соҳаларда халқаро майдонда-ги обрў-еътиборини янада оши-ришга хизмат қилади.

Келажак ёшларга боғлиқ, Улар-нинг билимга чанқоқ, изланишга тайёр ва мустакил фикрловчи бўлишлари орқали Ватанимиз рав-нақ топади, янги имкониятлар очи-лади ва миллий иқтисодиёт янада барқарорлашади. Шундай экан, ёшларнинг салоҳиятини юзага чи-қариш учун барча имкониятларни яратиш ва қўллаб-қувватлаш ҳар биримизнинг энг муҳим бурчимиз-дир.

**Ислом АСИЛБЕКОВ**